

**МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ АСОСИДА ҲАЛ ҚИЛИШ  
ПРИНЦИПИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА  
ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ**

**THE CONCEPT OF THE PRINCIPLE OF SOLVING ADMINISTRATIVE CASES ON THE  
BASIS OF LEGAL DOCUMENTS AND IT'S ROLE IN ENSURING LEGALITY IN THE CONDUCT OF  
ADMINISTRATIVE COURT CASES**

**ПОНЯТИЕ О ПРИНЦИПЕ РАЗРЕШЕНИЯ АДМИНИСТРАТИВНЫХ ДЕЛ НА  
ОСНОВАНИИ ЮРИДИЧЕСКИХ ДОКУМЕНТОВ И ЕГО РОЛЬ В ОБЕСПЕЧЕНИИ  
ЗАКОННОСТИ ПРИ ВЕДЕНИИ административных судебных дел**

**Умирзаков Зоҳид Жозилбоевич**  
Судьялар олий мактаби тингловчиси

**Анотатция:** Ушбу мақолада маъмурий суд ишларини юритишда ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал этиш принципи ва унинг аҳамияти, қонунийликни таъминлашдаги ўрни таҳлил қилинган.

**Abstract:** This article analyzes the principle of solving cases on the basis of legal documents and its importance, its role in ensuring legality in conducting administrative court cases.

**Аннотация:** в данной статье анализируется принцип решения дел на основании юридических документов и его значение, роль в обеспечении законности при ведении административных судебных дел.

**Калит сўзлар:** Маъмурий суд ишларини юритиш (МСЮтК), қонунийлик, қонун ҳужжатларини қўллаш, тушунтириш.

**Key words:** Conduct of administrative court cases (MSYutK), legality, application of legal documents, explanation.

**Ключевые слова:** ведение административных судебных дел (МСЮТК), законность, применение правовых документов, разъяснение.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси қабул қилиниши билан мамлакатимизда маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишнинг аниқ талаблари ва тартиби белгиланди.

Суд ишларини юритишнинг раҳбарий қонидаси ҳисобланган принципларсиз маъмурий суд юстициясини тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир процессуал ҳуқуқ тизимида бўлгани каби маъмурий суд ишларини кўрилишида бир қатор принципларга амал қилиш керак бўлади.

МСИЮТҚда одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, маъмурий суд ишлари юритиладиган тил, суд муҳокамасининг ошкоралиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги, маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги принциплари белгиланган<sup>67</sup>.

Маъмурий суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинган айрим принциплар ўзига хос мазмунга эга бўлиб, судлар томонидан ушбу принципларни татбиқ этиш жараёнида уларнинг бошқа барча принципларга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигини кўриши мумкин. Бу суд тизимида қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қиладиган “Маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш” принциpidир.

Ўтган уч йил давомида Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар давлат раҳбарининг доимий диққат-эътиборида бўлиб, унинг олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мезони сифатида ҳам муҳим ўрин эгаллаётгани барчамизга маълум. Парламент йиғилишлари, оммавий ахборот воситалари, ўтказилаётган матбуот анжуманлари, брифингларда ҳам қонунийликни таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш давлат ва жамият манфаатлари учун, шунингдек давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нуфузи учун ҳаётий зарурият эканлигини кўрсатади.

Қонунларга риоя этиш ва қонунийлик замонавий фан ва амалиётнинг фундаментал-ҳуқуқий тушунчаси бўлиб, уни таърифлаш жараёнида илмий ёндашувларнинг хилма-хиллигини кўзатиш мумкин.

Судлар томонидан маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда маъмурий суд ишларини қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципи ҳуқуқ тизимидаги “қонунийлик” тушунчасига мос бўлиб, ушбу принцип Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида “қонунийлик” принципи деб номланса, маъмурий, фуқаролик ҳамда иқтисодий-процессуал қонунчиликда “суд ишларини қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш” принципи сифатида белгиланган.

---

<sup>67</sup>Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон).

“Қонунийлик” ҳамда “суд ишларининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш” тушунчалари мазмун жиҳатдан ўзаро бири бирига мос эканлигини инобатга олиб, унинг ажралмас таркибий қисми сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин: яъни, биринчидан, ишни кўриш жараёнида маъмурий иш юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиш; иккинчидан, маъмурий ишнинг мазмуни ва ҳолатлари қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тўғри ва мос келиши, шунингдек учинчидан, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларда қонунга риоя этилишидан иборат.

Шу ўринда, барча фуқаролар ва юридик шахслар ўзларининг бузилган ҳамда низолашаётган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини суд ҳимоясида бўлиш орқали тиклаши мумкинлиги ҳам қонун устуворлигининг конституциявий норма билан кафолатланганлиги эътиборга молик жиҳат ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш (ёки қонунийлик) принципига илмий ёндашувларнинг таҳлили юзасидан, шунини таъкидлаш лозимки, бу принципнинг асосий категорияси бу “қонунийлик” тушунчасидир.

Қонунийлик тушунчасининг илмий жиҳатдан таҳлилини қуйидагича изоҳлаш мумкин: яъни, давлат органлари, мансабдор шахслар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонун ва бошқа норматив қоидаларни барқарор равишда бажариши, иккинчидан, давлатнинг қонунийликни таъминлашдаги асосий бошқарувчилик ролининг мавжудлиги сифатида намоён бўлади.

Юридик адабиётларда “қонунийлик” тушунчасига оид илмий ёндашувларни ўрганиш давомида қонунийлик принципнинг назарий ва амалий жиҳатдан исботланганлигини кўриш мумкин.

Жумладан, рус ҳуқуқшунос олими А.В.Мелехин “қонунийлик”ни давлат органлари, мансабдор шахслар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари томонидан қонун ва қоидаларга аниқ ва оғишмай риоя қилиши ҳамда уни ижро этиши сифатида қарайди<sup>68</sup>. Бошқа бир ҳуқуқшунос олим Н.Алексеев қонунийликни умумий мажбуриятни ифодаловчи ҳуқуқ субъекти сифатида; жамият ва унинг аъзолари ҳуқуқий онгида шаклландиган ғоя сифатида; ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг махсус тартиби (режими) сифатида қарайди<sup>69</sup>.

Бундан ташқари, рус ҳуқуқшунос олими Е.А.Пушкарёвнинг қарашича, ҳуқуқий давлатда қонунийлик, инсонпарварлик, адолат, демократик тамойилларига ва умуман халқаро ҳуқуқ нормалари билан тан олинган (табиий) инсон ҳуқуқларига мос келиши керак бўлган қонунлардан бошланади. Фақат чинакам демократик

<sup>68</sup>Қаранг.:Мелехин А.В. (ред.) Административное право Российской Федерации. М.: Юстиция, 2016. С.170.

<sup>69</sup>Қаранг.:Аlekseev S.S. (1995) Теория права [Theory of law]. Moscow.s.266.

қонунларнинг қатъий амал қилиши фуқаролик жамияти манфаатларига ва қонун устуворлигига жавоб берадиган қонунийлик ҳақида гапиришга имкон беради<sup>70</sup>.

Бу илмий позициялар жуда мунозарали, чунки олимлар бундай деб эътироф этилган фақат ҳуқуқий (демократик) қонунга тўғри ва изчил риоя қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Биринчидан, ҳуқуқий (демократик) қонун тушунчасининг йўқлиги, иккинчидан, қонун ҳуқуқий ёки демократик деб белгиланиши мумкин бўлган аниқ мезонларнинг йўқлиги, учинчидан, қонуннинг бу мезонларга жавоб беришини аниқлашга ваколатли субъектларнинг аниқ доираси йўқлигидадир.

Шунингдек, илмий адабиётларда бу борада турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, унинг тарафдорлари қонуннинг давлат органлари фаолияти соҳаси билан чекланганлиги деб таъкидлайди. Мансабдор шахсларнинг фаолият соҳасидаги ҳуқуқий ҳолат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳолати уларнинг қонунга бўйсунушига боғлиқ - дейди ҳуқуқшунос олим В.В.Краснов<sup>71</sup>.

Бундан ташқари, Н.Колюкнинг фикрича, қонунийлик қуйидагиларни ўз ичига олади: а) қонун билан белгиланган ҳаракатларни бажариш; б) қонун билан тақиқланган ҳаракатлардан қочиш; в) қонун билан ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан фуқаролар ва бошқа шахслар учун мажбурий бўлган ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан муҳим оқибатларни келтириб чиқарувчи қарорлар қабул қилиш<sup>72</sup>.

Шундай қилиб, ўрганишлар шуни кўрсатадики, “қонунийлик” тушунчаси юридик фандаги энг тортишувли принциплардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, олимлар томонидан ушбу тушунчага ягона илмий ёндашув ишлаб чиқилмаган. Бироқ, маъмурий суд ишларини юритишда қонунийлик тамойилининг мазмуни юзасидан академик О.Ф.Скакуннинг илмий позицияси билан келишса бўлади. Унинг фикрига кўра, қонунийлик тамойили ички ва ташқи таркибий қисмлар билан тавсифланади.

Ички таркибий қисм бу қонун нормаларини сифатли ва асосланган ҳолда қўллаш, шу билан бирга, қонунийликнинг ташқи таркибий қисми эса бу ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан қонун ва бевосита нормаларга қатъий риоя қилиш мажбурияти билан тавсифланади<sup>73</sup>.

<sup>70</sup>Қаранг.:Пушкарев Е.А. Законность и ее гарантии в системе обеспечения прав и свобод человека и гражданина в деятельности органов внутренних дел (теоретико-правовой аспект): дис. ... канд. юрид. наук. Ростов-на-Дону, 2003. с.16-17.

<sup>71</sup>Қаранг.:Краснов И.А. К вопросу о категории законности: в советском и постсоветском праве // Вестник ТИСБИ. 2005. № 1. URL: [http://www.law.edu.ru/doc/document.asp?docID=1219105#\\_ftnref1](http://www.law.edu.ru/doc/document.asp?docID=1219105#_ftnref1)

<sup>72</sup>Қаранг.:Колюка Н.Н. Принцип законности в административном судопроизводстве: теоретико-правовой аспект // Вопросы российского и международного права. 2017. Том 7. № 10А. С. 95.

<sup>73</sup> Қаранг.:Skakun O.F. (2005) Teoriya gosudarstva i prava (entsiklopedicheskii kurs) [Theory of state and law (an encyclopaedic course)]. Kharkiv: Espada Publ.

Маъмурий иш юритиш билан боғлиқ ҳолда, қонунийлик принципнинг таркибий қисмлари, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-модда<sup>74</sup> сига кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олиниб, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари кераклиги билан, шунингдек, иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 15-моддасига мувофиқ, суд маъмурий ишларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилиши, маъмурий ишни кўраётганда маъмурий органнинг ҳужжати қонунга мувофиқ эмаслигини, шу жумладан ҳужжат ваколат доирасидан четга чиқилган ҳолда қабул қилинганлигини аниқласа, қонунга мувофиқ қарор қабул қилиши билан изоҳланади.

Бундан ташқари, миллий қонунчилигимизда низоли муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллаши, бундай нормалар ҳам мавжуд бўлмаганда эса низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқиб ҳал қилиниши белгилаб қўйилган.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда қонун ҳужжатларидаги барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар фуқаролар ва юридик шахсларнинг фойдасига талқин этилади.

Маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципи судга низони, шу жумладан, маъмурий ишни, суд ишлари юритишнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ва белгиланган тартибда қарор қабул қилиш мажбуриятини юқласа, иккинчидан, ушбу принцип маъмурий иш юритишни амалга оширишнинг норматив қоидаларига риоя қилишни таъминлайди. Учинчидан, низоли муносабатларни ҳал қилишда ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнида қонунни қўллашда аниқ тартибни белгилайди.

Конституциямизнинг 16-моддасига кўра, бирорта ҳам қонун ёки норматив ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига, қонунлар ва бошқа қоидалар эса унга зид бўлмаслиги керак<sup>75</sup>.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда қонуннинг олий юридик кучи қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади:

а) маъмурий процесснинг барча қоидалари ва қўлланиладиган нормалар Конституцияга мос бўлиши;

<sup>74</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 13.01.2021 й., 03/21/662/0012-сон)

<sup>75</sup>3.1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда, 09.02.2021 й., 03/21/671/0093-сон.

б) Конституциянинг шубҳасиз, аниқлиги, қарорларнинг Конституцияга зид бўлмаслиги ва низо юзага келганда улар қонуний ҳал этилиши ҳамда қарорлар асосланган бўлишини белгилайди.

Шундай қилиб, суд ишларни ҳал қилишда ўз фаолиятида ҳуқуқ нормаларини мавжуд ҳуқуқий муносабатларга тўғри татбиқ этиши, шунингдек, маъмурий иш юритишни амалга оширишда процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилиши лозим.

Маъмурий иш юритишда маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципнинг муҳим таркибий қисми бу низоли ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллашлиги, бундай нормалар ҳам мавжуд бўлмаганда, яъни қонунда бўшлиқ бўлган тақдирда низони қонунларнинг умумий асослари ва мазмунидан келиб чиқиб ҳал қилиши ҳисобланади. Суд низоли муносабатларни (бўшлиқларни) тартибга солувчи қонун нормаси йўқлигида, “қонун аналогия”сини қўллаши, яъни шу каби муносабатларни тартибга солувчи қоидалардан фойдаланиши мумкин бўлади.

Шу билан бирга, суд томонидан “қонун аналогияси” институтидан фойдаланишда унинг қуйидаги белгилари мавжудлигига эътибор қаратиши керак бўлади: яъни, низоли ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги (ёки тўлиқ тартибга солинмаганлиги), ижтимоий муносабатларидаги ўхшашликлар (эквивалент)нинг мавжуд-мавжуд эмаслиги.

Ҳуқуқшунос олим Н.Н Колюканинг фикрига кўра<sup>76</sup>, ҳуқуқий муносабатнинг тартибга солинмаганлиги ёки унинг йўқлигида қабул қилинган қарорлар қонунчиликнинг умумий тамойилларини ишлашига зид бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, суд қарорининг маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принцигига риоя қилинган ҳолда қабул қилинганлиги қуйидаги элементларда кўринади:

- а) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий нормаларига мувофиқ бўлиши;
- б) халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига мувофиқлиги;
- в) қарорнинг моддий ва процессуал қонун нормаларига мувофиқ бўлиши;
- г) процессуал қонун талабларига амал қилган ҳолда қабул қилиниши;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорларидаги тушунтиришларга амал қилинган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтҚда қонунийликни таъминлаш, шунингдек фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали институтларидан бири бу дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш институти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йилдаги маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш натижаларига кўра, 2020 йилнинг биринчи ярмида республика

---

<sup>76</sup>Қаранг.:Колюка Н.Н. Принцип законности в административном судопроизводстве: теоретико-правовой аспект // Вопросы российского и международного права. 2017. Том 7. № 10А. С. 98.

маъмурий судларига дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисида 108 та (бу кўрсаткич мос равишда 2019 йилнинг биринчи ярмида 120 та) илтимоснома келиб тушган бўлиб, уларнинг 83 таси ёки 76,8 фоизи (99 таси ёки 82,5 фоизи) қаноатлантирилган. Қаноатлантирилган илтимосномалар бўйича МСИЮтК 93-моддасида назарда тутилган дастлабки ҳимоя чораларини: 32 тасини ёки 38,5 фоизини (41 тасини ёки 41,4 фоизини) жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш; 18 тасини ёки 21,7 фоизини (5 тасини ёки 5,1 фоизини) бошқа шахсларга низо предметига тааллуқли бўлган муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш; 13 тасини ёки 15,7 фоизини (16 тасини ёки 16,2 фоизини) мол-мулкни реализация қилишни тўхтатиб туриш; 20 тасини ёки 24,1 фоизини (37 тасини ёки 37,4 фоизини) маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномалар ташкил этган.

Судларга дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш тўғрисида берилган 25 та ёки 23,1 фоиз (21 та ёки 17,5 фоизи) илтимосномалар асоссиз бўлганлиги учун рад этилган.

Ушбу даврда дастлабки ҳимоя чорасини бекор қилиш тўғрисида 3 та (2019 йилнинг биринчи ярмида 15 та) ажрим чиқарилган бўлса, 8 та (2019 йилнинг биринчи ярмида 4 та) ҳолатда дастлабки ҳимоя чорасини бекор қилиш тўғрисидаги илтимосномаларни қаноатлантириш рад этилган.

2020 йилнинг биринчи ярмида дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги 4 та (2019 йилнинг биринчи ярмида 1 та) ажрим устидан апелляция шикоятни берилган бўлиб, уларнинг барчаси юқори инстанция судлари томонидан ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, ушбу даврда дастлабки ҳимоя чораларини кўришни рад этиш тўғрисидаги 1 та ажрим устидан кассация шикоятни берилган бўлиб, кассация инстанциясида ишни кўриш натижаси бўйича дастлабки ҳимоя чорасини кўришни рад этиш тўғрисидаги ажрим бекор қилинган.

Амалиётда судлар томонидан маъмурий суд ишларининг қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципининг бузилиши ҳоллари кўп қузатилаётганлигини инкор қилиб бўлмайди.

МСИЮтК 98-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, ариза (шикоят) билан бирга берилган дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бир вақтда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан суд томонидан кўриб чиқилади.

Агар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза иш юритиш жараёнида берилган бўлса, у келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Мазкур ҳолатда, аризачи биринчи инстанция судига дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисидаги ариза билан 2019 йил 26 сентябрда мурожаат қилган бўлса-да, суд

дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисида 2019 йил 25 сентябрда, яъни ариза берилган санадан олдинги санада ажрим чиқариб хатоликка йўл қўйган.

Мисолда, аризачи “Йўлдош бобо Рахматов” фермер хўжалиги раиси У.Йўлдошев судга ариза билан мурожаат қилиб, Нарпай туман ҳокимининг 2020 йил 23 январдаги HQ-70/01-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Аризада дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисида илтимос қилиниб, Нарпай туман ҳокимининг 2020 йил 23 январдаги HQ-70/01-сонли қарори билан У.Йўлдошевга ажратилган Нарпай туман Ғалаба массивидаги 143,145,146,147,148,149 ва 150-контурлардаги жами 31,1 гектар ер участкасини туман захира ер фондига қайтариш тўғрисидаги қарори ижросини тўхтатиб туриш сўралган. Биринчи инстанция судининг 2020 йил 15 майдаги ҳал қилув қарори билан аризачининг арз қилган талаби қаноатлантирилган.

Аммо, биринчи инстанция суди томонидан аризачининг дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисидаги илтимосномаси кўриб чиқилмаган ва илтимоснома бўйича муносабат билдирилмаган.

МСИЮТК 94-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларига кўра, дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги илтимоснома аризада (шикоятда) баён этилиши мумкин.

Агар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги илтимоснома аризада (шикоятда) баён этилса, мазкур илтимосномада ушбу модда иккинчи қисмининг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Шу сабабли, суд аризачининг дастлабки ҳимоя чорасини кўриш тўғрисидаги илтимосномаси унинг аризасида баён этилганлигидан келиб чиқиб, илтимосномани кўриб чиқиши ва уни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқариши лозим эди.

Хулоса ўрнида, шуни айтиш мумкинки, маъмурий суд ишларини юритишда маъмурий ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципи, унинг маъмурий иш юритишнинг асосий раҳбарий қонидаси эканлиги, суд ишларни ҳал қилишда ўз фаолиятида муайян ҳуқуқий муносабатларга асосли қонун қоидаларини тўғри қўллаши кераклиги, иш бўйича қарор қабул қилишда суд фақат Конституция ва амалдаги қонунларга асосланиши ва низоли муносабатларни тартибга солувчи зарур қоидалар бўлмаса, суд қонун аналогиясини ёки қонун аналогиясини илмий асосланган талабларни ҳисобга олган ҳолда қўллаши белгиланганли, аммо бундай қоидалар бўлмаса қонунларнинг умумий асослари ва принципларига амал қилиши назарда тутилган.